

ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ – ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КЎРСАТКИЧ СИФАТИДА

Дилафруз Искандарова

*Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети
“Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси ассистенти*

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатлараро аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовут, аҳолининг ҳаёт сифати ва инсон тараққиёти индекси ҳақида ёритилган бўлиб, инсон тараққиёти деганда мамлакат ўз фуқароларининг турмуш шароитлари яхшиланиши билан кечадиган жараёни тушуниш мумкин. Инсон тараққиёти нафақат иқтисодий ўсишни англатади балки бу “одамларнинг имкониятларини кенгайтириш жараёни” бўлиб бу имкониятлар: узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим олиш, муносиб турмуш даражасидан баҳраманд бўлиш кабилардир.

Калит сўзлар: *Инсон тараққиёти концепцияси, Инсон тараққиёти индекси, аҳолининг умр кўриш давомийлиги, саводхонлик даражаси, аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад*

ИНДЕКС ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ - КАК ОПРЕДЕЛЯЮЩИЙ ИНДИКАТОР РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ РЕСУРСОВ

Аннотация; *В данной статье выделена разница между доходами населения между странами, качеством жизни населения и индексом человеческого развития. Человеческое развитие можно понимать как процесс, посредством которого страна улучшает условия жизни своих граждан. Развитие человека означает не только экономический рост, но и процесс «расширения возможностей людей», таких как: прожить долгую и здоровую жизнь, получить образование, иметь достойный уровень жизни.*

Ключевые слова: *Концепция человеческого развития, Индекс человеческого развития, ожидаемая продолжительность жизни, уровень грамотности, валовой национальный доход на душу населения.*

HUMAN DEVELOPMENT INDEX AS A DETERMINATOR INDICATOR OF HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT

Annotation: *This article covers the difference between the incomes of the population among countries, the quality of life of the population, and the human development index. Human development can be understood as the process by which a country improves the*

living conditions of its citizens. Human development does not mean only economic growth, but it is the process of "expanding people's opportunities" such as: living a long and healthy life, getting education, enjoying a decent standard of living.

Keywords: *Human Development Concept, Human Development Index, life expectancy, literacy rate, gross national income per capita.*

Маълумки бугунги кунда ҳар қандай мамлакат бойлиги унинг табиий ресурслари билан эмас, балки шу мамлакатда яшовчи миллат яъни инсонлари билан белгиланмоқда. Яъни қайси мамлакат ўз фуқароларига кенг қамровли имкониятлар яратиб берган бўлса, ўша давлатда инсон ресурсларининг ҳар жиҳатдан ривожланиши ҳисобига фаровонлик ҳукм суради. Чунки инсон тараққиёти деганда мамлакат ўз фуқароларининг турмуш шароитлари яхшиланиши билан кечадиган жараёни тушуниш мумкин. Инсон тараққиёти нафақат иқтисодий ўсишни англатади балки бу “одамларнинг имкониятларини кенгайтириш жараёни” бўлиб бу имкониятлар: узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим олиш, муносиб турмуш даражасидан баҳраманд бўлиш кабилардир. Шу сабабдан, инсонларга восита сифатида эмас, балки мамлакат ижимоий-иқтисодий тараққиётига эришишнинг туб мақсади сифатида қараш ўринлидир. Шунинг учун ҳам инсон тараққиёти концепцияси “мамлакатнинг ҳақиқий бойлиги – бу унинг одамларидир”, деган ғояни илгари суради.

Инсонларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини аниқлаш жуда мураккаб, буни фақатгина аҳоли даромадлари яъни пул билан таъминланганлик жиҳатидан ифодалаш мумкин эмас. Буни амалга ошириш учун инсонларнинг ҳаёт сифатига таъсир этувчи бир қатор кўрсаткичларни инобатга олиш лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан ишлаб чиқилган Инсон тараққиёти индекси (Human development index – HDI) инсонларнинг турмуш даражасини ифодалаб, мамлакат ривожланган, ривожланиб бораётган ёки кам ривожланганлиги, умр кўриш давомийлиги, таълим, саводхонлик, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот каби омилларга асосланган. Ушбу индекс инсон ривожланишидаги ҳақиқий тараққиётни ўлчаш усули сифатида ишлатилади.

БМТТДнинг Инсон тараққиёти тўғрисидаги 2020 йилги ҳисоботида кўра Инсон тараққиёти индексида “Юқори даражадаги инсон тараққиёти” деб номланган категория бўлиб, унда энг юқори поғоналарда турувчи мамлакатларни ривожланган мамлакат деб ҳисоблаш мумкин. Унга кўра Инсон тараққиёти индекси бўйича энг юқори кўрсаткичга эга мамлакатлар Норвегия (0,957), Ирландия (0,955) ва Швейцария (0,955) кабилар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Инсон тараққиёти индекси бўйича Топ-10 таликка кирган мамлакатлар²²

№	Мамлакатлар	ИТИ (2019)	Умр кўриш давомий-лиги (йиллар)	Кутилаёт-ган таълим йиллари*	Ўртача таълим йиллари*	Аҳоли жон бошига ЯМД (ХҚП билан, АҚШ доллар)
1	Норвегия	0,957	82,4	18,1	12,9	66,494
2	Ирландия	0,955	82,3	18,7	12,7	68,371
3	Швейцария	0,955	83,8	16,3	13,4	69,394
4	Гонг Конг (Хитой)	0,949	84,9	16,9	12,3	62,985
5	Исландия	0,949	83,0	19,1	12,8	54,682
6	Германия	0,947	81,3	17	14,2	55,314
7	Швеция	0,945	82,8	19,5	12,5	54,508
8	Австралия	0,944	83,4	22	12,7	48,085
9	Нидерландия	0,944	82,3	18,5	12,4	57,707
10	Дания	0,94	80,9	18,9	12,6	58,662

***Таъриф:** Кутилаётган таълим олиш давомийлиги – аҳолини таълим билан қамраб олиш бўйича амалдаги ёш коэффициентлари ўзгармаган тақдирда мактабга қатнаш учун расман белгиланган ёшга етган боланинг таълимнинг ҳар бир босқичида ўқишга сарфлаши мумкин бўлган йиллар сони.²³

***Таъриф:** Ўртача таълим давомийлиги – аҳолининг таълим даражаси кўрсаткичига асосан ҳисобланиб, ҳар бир даражада олинган таълимнинг назарий муддатларига асосан таълим олинган йиллар сонига қайта ҳисобланган 25 ёш ва ундан катта ёшдаги шахсларнинг ҳаёти давомида таълим олган ўртача йиллари миқдори.²⁴

Бугунги кунда Инсон тараққиёти индекси мамлакатда инсон тараққиётида эришилган ютуқ ва натижаларни ўлчаш учун урта асосий йўналишни кўриб чиқади. Биринчиси, инсонларнинг умр кўриш давомийлиги бўлиб, бу мамлакатда узоқ ва соғлом ҳаётни таъминлайдиган етарли тиббий хизматларнинг мавжуд ёки аксинча эканлигини ифодалайди.

Инсон тараққиёти индексида ўлчанадиган иккинчи ўлчов, инсонларнинг саводхонлик даражаси. Бу катталарнинг саводхонлик даражаси (бошланғич, ўрта, олий ва ҳ.к.) ва мажбурий таълим муддати кўрсаткичлари билан ўлчанади.

²² Жадвал <http://hdr.undp.org/en/content/latest-human-development-index-ranking> сайти маълумотлари асосида тузилди

²³ <file:///C:/Users/%D0%9E%D0%BB%D0%BC%D0%BE%D1%81/Downloads/Kutilyotgan%20talim%20davomiyligi.pdf>

²⁴ <file:///C:/Users/%D0%9E%D0%BB%D0%BC%D0%BE%D1%81/Downloads/Aholining%20o'rtacha%20ta'lim%20davomiyligi%2025%20yosh%20va%20undan%20kattalar.pdf>

Учинчи ўлчов – бу мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яъни даромадларидир. Ушбу ўлчов АҚШ долларида харид қобилияти паритетини ҳисобга олган ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот билан ўлчанади.

Авваламбор, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастурига кўра ҳар бир мамлакат ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, унга асосланиб ўлчов кўрсаткичлари (минимал ва максимал) ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир мамлакат стандартга кўра учта кўрсаткич учун қуйидаги балларни олиши мумкин (2-жадвал):

2-жадвал

Инсон тараққиёти индекси ўлчовлари учун минимал ва максимал қийматлар

Ўлчовлар	Кўрсаткичлар	Минимум	Максимум
Саломатлик	Умр кўриш давомийлиги(йиллар)	20	85
Таълим	Кутилаётган мактаб йиллари	0	18
	Ўртача ўқиш йиллари	0	15
Турмуш даражаси	Аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот (ХҚП, АҚШ доллар)	100	75000

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра агар мамлакат ҳар бир ўлчов бўйича максимал даражага эга бўлса, унинг кўрсаткич даражаси 1га тенг бўлади, бу эса мамлакатнинг ривожланиш даражаси юқори эканлигини англатади. Агар аксинча мамлакатда ҳар бир ўлчов кўрсаткичи минимал қийматга тенг бўлса Инсон тараққиёти индекси 0 га тенг бўлади ва бу мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси қониқарсиз эканлигини ифодалайди.

Шунингдек, нима учун ҳар бир ўлчов индекси учун айнан шундай қийматлар стандарт сифатида белгиланганлигини кўриб чиқишимиз лозим:

1. Ўртача умр кўриш давомийлиги учун белгиланган минимал қиймат 20 га тенг, чунки, тадқиқотларга кўра XX асрдан бошлаб Ер юзидаги бирон бир мамлакатда (айрим кўзда тутилмаган омиллар таъсир этмаганда) бу ёшдан пастроқ умр кўриш давомийлиги кузатилмаган (Maddison 2010; Oerppen and Vaupel 2002; Riley 2005) ва энг юқориси 85 ёшни ташкил этади.

2. Таълим соҳаси учун катта ёшлиларнинг ўқиш давомийлиги энг ками 0 ҳамда максимал чегараси 18 йилни ташкил этади, чунки айрим мамлакатларда университетни тугатиш учун сарфланадиган йиллар шунга тенг. Таълим соҳаси учун иккинчи кўрсаткич, мактабда ўқиш йилларининг давомийлигининг энг юқори кўрсаткичи дунёнинг баъзи мамлакатларида 15 йилни ташкил қилади.

3. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг харид қобилияти паритетини ҳисобга олган ҳолда энг минимал қиймати 100 АҚШ доллари, чунки инсонларнинг энг зарур яшаш харажатлари ҳисобланганда ҳам омон қолиш учун ушбу даромад миқдори зарур. Максимал қиймати эса 75000 АҚШ доллари (Kahneman and Deaton

(2010)), негаки, тадқиқотлар натижасига кўра аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бу миқдордан ошиб кетганда ҳам инсон тараққиёти ва фаровонлигида сезиларли фарқлар кузатилмаган. Ҳозирда фақат 4та давлатда (Қувайт, Лихенштейн, Қатар ва Сингапур) аҳоли жон бошига тўғри келадиган максимал даромад 75000 АҚШ долларида ошади.

Минимал ва максимал қийматлар ёрдамида ўлчов индексини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$D_i = \frac{A_v - Min_v}{Max_v - Min_v}$$

Бу ерда:

D_i – Ўлчов индекси

A_v – Ҳақиқий қиймат

Min_v – Минимал қиймат

Max_v – Максимал қиймат

Ушбу индексни Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида мамлакатимиздаги даражасини қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб топамиз:

$$ITI = \frac{I_{salomatlik} * I_{ta'lim} * I_{turushdaarjasi}}{3}$$

3-жадвал

Ўзбекистонда инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари, 2020 йил

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги
Умр кўриш давомийлиги, йил ²⁵	73,4
Кутилаётган таълим давомийлиги, йил ²⁶	13,4
Ўртача таълим давомийлиги, йил ²⁷	12,6
Аҳоли жон бошига ЯИМ, АҚШ доллари ²⁸	1003,49

Юқорида келтириб ўтилган учта критерия бўйича ўлчов кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

$$1. \text{ Соғлиқни сақлаш индекси} = \frac{73,4 - 20}{85 - 20} \approx 0,82$$

$$\bullet \text{ Кутилаётган таълим давомийлиги} = \frac{13,4 - 0}{18 - 0} \approx 0,74$$

²⁵ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

²⁶ <file:///C:/Users/%D0%9E%D0%BB%D0%BC%D0%BE%D1%81/Downloads/Kutilyotgan%20talim%20davomiyligi.pdf>

²⁷ <file:///C:/Users/%D0%9E%D0%BB%D0%BC%D0%BE%D1%81/Downloads/Aholining%20o'rtacha%20ta'lim%20davomiyligi%2025%20yosh%20va%20undan%20kattalar.pdf>

²⁸ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>

$$\bullet \text{Ўртача таълим давомийлиги} = \frac{12,6 - 0}{15 - 0} \approx 0,84$$

$$2. \text{Таълим индекси} = \frac{0,74 + 0,84}{2} \approx 0,79$$

$$3. \text{Даромад индекси} = \frac{\lg 1003,49 - \lg 100}{\lg 75000 - \lg 100} \approx 0,35$$

$$ITI = \frac{(0,82 + 0,79 + 0,35)}{3} \approx 0,65$$

Демак, юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўриш мумкинки, 2020 йилда Ўзбекистонда инсон тараққиёти индекси кўрсаткичи 0,65 ни ташкил этган.

4-жадвал

Мамлакатларнинг индекс кўрсаткичига кўра бериладиган баҳо

Кўрсаткичлар	Ўлчов
Инсоннинг ривожланиши жуда юқори	0,80 ва ундан юқори
Инсоннинг ривожланиши юқори	0,70-0,79
Инсоннинг ривожланиши ўртача	0,55-0,69
Инсоннинг ривожланиши паст	0,55 ва ундан паст

Инсон тараққиёти индексининг қиймати 0 ва 1 оралиғида бўлиб, у қанчалик 1 га яқин бўлса белгиланган критерияларга кўра аҳолининг турмуш сифати шунчалик юқори, аксинча қанчалик 0 га яқин бўлса мамлакатдаги тараққиёт даражаси паст эканлигини англатади (1-расм).



1-расм. Мамлакатлар ўртасида ИТИнинг ўсиш динамикаси

Ҳисобланган натижаларга кўра, Ўзбекистонда инсонларнинг ҳаёт сифати ўртача деб баҳоланди. Мамлакатимизда бу кўрсаткични яхшилаш ва инсон тараққиёт даражасининг юқори ва жуда юқори қисмига чиқиш учун мамлакатда яшовчи ҳар бир

фуқаронинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинадиган муҳитни яратиш, уларнинг сифатли таълим олиш ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш яъни юқори даражадаги эркинликка эришиш, мукамал ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш ва бунинг учун етарлича даромадга эга бўлишларини таъминлаш чора-тадбирлари қўлланилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Инсон тараққиёти индекси турли мамлакатлардаги инсонларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш мақсадида БМТ томонидан қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичдир. Аммо буни аҳоли турмуш даражаси билан аралаштириб юбормаслик лозим, чунки, бу индекс фақатгина инсонларнинг пул билан таъминланганлик даражасини англатмайди, балки бунга таъсир этувчи омил сифатида қарайди. “Ҳаёт сифати” тушунчаси ҳаётнинг номоддий жиҳатларини ўз ичига олиб, инсонларнинг моддий бойликлардан қониқиши, маънавий ривожланиши ва фаровон турмуш кечиришини ифодалайди.

Аммо, инсон тараққиёти индекси ҳам камчиликлардан ҳоли эмас ва у инсонлар турмуш сифатига таъсир этувчи барча жиҳатларни тўлақонли қамраб ололмайди. У қанчалик яхши таълим, соғлиқни сақлаш ва бойлик тизимини ифодалашидан қатъий назар мамлакатдаги турли вазиятларни акс эттириши мумкин бўлган ўзгарувчиларни инобатга олмайди. Масалан, агар Инсон тараққиёти индекси 1 га тенг бўлган мамлакат тўсатдан ЯИМнинг кескин пасайишига дуч келса ва одамлар орасида даромад етишмовчилиги ва хаттоки очлик бошланса, Инсон тараққиёти индекси буни дарҳол акс эттирмайди, таркибидаги бошқа кўрсаткичлар ҳисобига индекс юқори даражани кўрсатади. Чунки умр кўриш давомийлиги аста-секин пасайиб борадиган кўрсаткичдир. Шундай қилиб, Инсон тараққиёти индекси – бу узоқ муддатли истиқболда жамиятнинг қанчалик ривожланганлигини билдирувчи кўрсаткичдир.

Кейинги муаммо бу сонлар ўртасидаги тафовутнинг акс этмаслигидир. Масалан, бирор мамлакат аҳолисининг ярми 80 йил умр кўришади, қолган ярми эса 20 йил умр кўришади. Аслида, аҳолининг ярми иккинчи ярмига қараганда тўрт баравар кўп яшайди. Аммо ўртача умр кўриш давомийлиги 50 йил бўлиб чиқади.

Шунингдек, яна бир камчилик – таълим соҳасидаги кўрсаткич. Унга кўра инсонлар қанчалик узоқ йиллар давомида таълим олса саводхонлик даражаси юқори деб ҳисобланади, аммо бу таълим сифатини ифодалаб бера олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чоудхури, Омар Хайдер (1991). «Индекс человеческого развития: критика». Бангладеш
2. Исследования развития , 19 (3). стр. 125-7
3. Чоудхури, Омар Хайдер (1991). «Индекс человеческого развития: критика». Бангладеш

4. Исследования развития , 19 (3). стр. 125-7
5. Чоудхури, Омар Хайдер (1991). «Индекс человеческого развития: критика». Бангладеш
6. Исследования развития , 19 (3). стр. 125-7
7. Чоудхури, Омар Хайдер – “Индекс человеческого развития: критика”, Исследования развития. Бангладеш, 1991
8. Огванг, Томсон – “Выбор из Принцип Переменные за Вычисление в Человек Индекс развития”, Мировое развитие, 1994
9. Программа Развития Организации Объединенных Наций: “Отчеты о Человеческом Развитии”, 2020
10. <http://hdr.undp.org/en/content/latest-human-development-index-ranking>
11. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
12. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
13. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>
14. <https://uz.warbletoncouncil.org/indice-desarrollo-humano-7163>